

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**МАХСУС ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ
ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ РЕГЛАМЕНТ
«О БЕЗОПАСНОСТИ ЛАКОКРАСОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ»**

2020 йил

§1. Қўллаш соҳаси

1. Махсус техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) инсон ҳаёти ва соғлиги, мулки, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда истеъмолчиларни чалғитишга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида лак-бўёқ материалларига хавфсизлик талабларини ўрнатади.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган лак-бўёқ материаллари – бўёқлар, эмаллар, лаклар, алифлар ушбу техник регламент объектлари ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лак-бўёқ материалларининг муомаласида ушбу техник регламент қоидаларига риоя қилиш мажбурий ҳисобланади.

4. Техник жиҳатдан тартибга солиш объектлари рўйхати ушбу техник регламентнинг 1-иловасида белгиланган.

5. Ушбу техник регламент қуйидагиларга жорий қилинмайди:

тирноқлар учун лак ва эмаллар;

барча турдаги смолалар;

эриткичлар.

6. Агар лак-бўёқ маҳсулотининг баъзи турларига нисбатан бошқа техник регламентлар қабул қилинган бўлса, ушбу маҳсулот унга нисбатан амал қиладиган барча техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

§2 Атама ва таърифлар

7. Ушбу Техник регламентда қуйидаги атама ва уларнинг таърифларидан фойдаланилади:

Лак-бўёқ материали – химоя, декоратив ёки махсус техник хусусиятларга эга бўлган, рангланадиган сиртга суртирилганда лак-бўёқ қопламаси ҳосил қиладиган суюқ, пастасимон ёки кукунсимон материал;

Сув-дисперсион лак-бўёқ материали - органик парда ҳосил қилувчи модданинг сувдаги дисперсияси кўринишида лак-бўёқ муҳитига эга бўлган ва рангланадиган сиртга суртилганда ношаффоф лак-бўёқ қопламаси ҳосил қиладиган пигментланган суюқ ёки пастасимон лак-бўёқ материали;

Кукунли лак-бўёқ материал – рангланадиган сиртга суртилганда эриб қотгандан кейин яхлит лак-бўёқ қоплама ҳосил қиладиган, таркибида эриткич бўлмаган, кукунсимон шаклдаги лак-бўёқ материали;

Органик суюлтириладиган лак-бўёк материал – органик материалда эритиладиган ва ёпишқоқлиги ҳам органик эриткич қўллаб ростланадиган лак-бўёк материали;

Лак-бўёк материалида учувчан органик бирикмалар- лак-бўёк материалида мавжуд бўлган, ҳарорат ва атмосфера босимининг маълум қийматларида ўз-ўзидан буғланадиган ҳар қандай органик суюқлик ёки ҳар қандай қаттиқ органик модда.

лак – рангланадиган сиртга туширилганда шаффоф лак-бўёк қопламаси ҳосил қиладиган лак-бўёк материали;

бўёк – парда ҳосил қилувчи сифатида турли русумлардаги алиф, синтетик полимерларнинг сувли дисперсияси ёки боғловчи моддаларнинг бошқа турларига эга бўлган ва рангланаётган сиртга суртилганда ношаффоф лак-бўёк қоплама ҳосил қиладиган пигментланган суюқ ёки пастасимон лак-бўёк материали;

эмаль – органик эриткичларда парда ҳосил қилувчи модда эритмаси кўринишидаги лак-бўёк муҳитига эга бўлган ва рангланаётган сиртга суртилганда ношаффоф лак-бўёк қоплама ҳосил қиладиган пигментланган суюқ ёки пастасимон лак-бўёк материали;

эриткич – қуритишнинг маълум шароитларида буғланадиган ва лак-бўёк материалининг парда ҳосил қилувчи моддасини тўлиқ эритадиган бир ёки кўп қисмли суюқлик;

грантовка – рангланадиган сиртга суртилганда рангланадиган сирт қоплами қатламларига яхши ёпишадиган ва лак-бўёк тизими хусусиятларини яхшилаш учун мўлжалланган бир жинсли шаффоф ёки ношаффоф қоплама ҳосил қиладиган лак-бўёк материали;

шпатлевка – рангланадиган сиртнинг жузъий нотекисликларни текислаш ва/ёки силлиқ текис сиртга эга бўлиш учун ранглашдан олдин суртиладиган суюқ ёки пастасимон лак-бўёк материали;

ранглаш – лак-бўёк материалини сиртга суртиш;

учувчан органик бирикмаларнинг таркиби – учувчан органик бирикмаларнинг грамм/литр (г/л) нисбатида ифодаланган массаси;

андазавий намуна – Ягона техник ҳужжат, бир хил қисмли таркибда ишлаб чиқариладиган, битта номдаги битта русум(шу жумладан савдо белгиси) ва қўллаш соҳасидаги лак-бўёк материали. Рангли лак-бўёк материаллари учун тайёр маҳсулотдаги ҳар бир пигментнинг максимал фоизли таркибдаги намуналари олинади.

экологик хавфсизлик – атроф-муҳитга зарар етказиш хавфи ва

сунъий толалар хусусиятлари таъсири ҳамда уларни ишлаб чиқаришда таҳдид туғилишини истисно қиладиган технологик тадбирлар тизими.

кимёвий хавфсизлик – ҳуқуқий нормалар ва санитария-гигиеник қоидаларга риоя қилиш, технологик ва муҳандис-техник талабларни бажариш ҳамда тегишли ташкилий ва махсус тадбирларни бажариш орқали инсон, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва ўсимликларнинг кимёвий заҳарланиш шароитлари ёки кимёвий ҳалакат юз берганда атроф-муҳитнинг хавфли кимёвий моддалар билан ифлосланиши истисно қилинадиган ҳолат.

Ёнғин хавфсизлиги – шахс, мулк, жамият ва корхона, ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолати.

Портлашхавфсизлиги – ишлаб чиқариш жараёнининг портлаш юз бериши истисно қилинадиган ёки юз берганда одамларга зарбали тўлқинда ортиқча босим, ҳавонинг тезкор тазйиқи ва бошқа омилларнинг таъсири олди олинадиган ва моддий бойликларнинг сақланиши таъминладиган ҳолати.

пигмент – материаларга шаффофлик, ранг, коррозияга қарши ва бошқа хусусиятлар ато этадиган, бўяш муҳитида эримайдиган тўлдирувчи композит материаллардан бири.

бўёқлар – электромагнит нурланиш энергиясини изчил ютиш ва спектрнинг яқин ультрабинафша ва инфрақизил соҳаларида кўринадиган ҳолатга келтириш қобилятига эга бўлган ва ушбу қобилятни бошқа жисмларга бериш учун қўлланиладиган, бўяш муҳитида эрувчан кимёвий бирикмалар.

Сиккатив(қуриткич)лар – мойли бўёқларга қуритиш жараёнини тезлаштириш учун қўшиладиган ёрдамчи моддалар. Мазкур ёрдамчи моддалар, ўсимлик мойларини окисидланиш полемеризациясининг кимёвий катализатори ҳисобланади. Қуриткичлар сифатида (сиккатив) турли металл тузлари, кобальт, марганц, цирконий, барий, свинц, кальций тузлари ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

алиф оксоль – таркибига кирувчи мой ва эритувчилар хусусиятларига боғлиқ ҳолда юқори ҳароратларда хавфли, заҳарли тез ёнувчан суюқлик.

§3 Хавфсизлик талаблари

8. Лак-бўёқ материалларининг хавфсизлиги ишлаб чиқарувчи томонидан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги, давлат, жисмоний ва юридик

шахсларнинг мулки, атроф муҳит муҳофазаси, ҳайвон ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлигига таҳдид туғилишининг олдини олиш мақсадида ушбу техник регламентда ўрнатилган барча талабларга риоя қилиш орқали таъминланиши керак.

9. Лак-бўёқ материаллари муомаласида хавфсизликни таъминлаш учун ишлаб чиқарувчи(ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс, импортёр) қуйидагиларни амалга ошириши керак:

лак-бўёқ материалларининг инсон, ҳайвонлар, ўсимликлар ва атроф-муҳитга хавфини баҳолаши;

лак-бўёқ материалларини таснифлаши;

лак-бўёқ материалларининг харидор(истеъмолчилар)лари гуруҳларини аниқлаши;

лак-бўёқ материалларининг бозорда муомалада бўлганда инсон, атроф-муҳитга хавфли хусусиятлари таъсири доирасини аниқлаш;

Ҳар бир таъсир доираси бўйича таҳдидни баҳолаш;

Таҳдидга йўл қўйиш ёки қўймаслик тўғрисида қарор қабул қилиш.

10. Лак-бўёқ материаллари хавфли хусусиятлари таҳдидини истисно қилиш ёки таҳдид даражасини камайтириш учун ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс, импортёр) амалга ошираётган фаолиятига мувофиқ:

лак-бўёқ материаллари таркибидаги хавфли кимёвий моддаларни хавфли хусусиятга эга бўлмаган моддаларга алмаштириши;

ҳимоя чораларини кўриши;

ходимларни меҳнатнинг хавфсиз услуб ва усулларига ўқитиши;

лак-бўёқ материалларига хавфсиз фойдаланиш(қўллаш) ва чиқитларни утиллаштиришнинг ўзига хос томонлари тўғрисидаги маълумотларни илова қилиши лозим.

11. Лак-бўёқ материалларининг портлаш хавфи, ёнғин хавфи ва кимёвий хавфи кўрсаткичлари ҳамда портлаш хавфсизлиги, ёнғин ва кимёвий хавфсизликни таъминлашнинг чора ва воситалари ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш чоралари ва воситалари ишлаб чиқарувчи(ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс, импортёр) томонидан хавфсизлик паспорти ва товар илова ҳужжатлари(ҳалакат варақаси)да кўрсатилиши керак.

12. Лак-бўёқ материалларининг муомала хавфсизлиги қуйидагилар

воситасида таъминланиши керак:

лак-бўёқ материалларининг ишлаб чиқарувчи(ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс, импортёр)лари ва харидор(истеъмолчилар)ларининг ушбу техник регламент талабларига риоя қилиши;

лак-бўёқ материалларининг ишлаб чиқарувчи(ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс, импортёр)лари ва харидор(истеъмолчилар)ларининг ушбу техник регламент талабларига риоя қилишини назорат(текширув)ини амалга ошириш;

лак-бўёқ материалларининг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш.

13. Лак-бўёқ материалларининг портлаш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

суяқ органик суялтириладиган лак-бўёқ материаллари учун: ёпиқ гилқозонда чакнаш ҳарорати; очик гилқозонда чакнаш ҳарорати; алангаланиш ҳарорати; ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати;

кукунли бўёқлар учун: ёнувчанлик гуруҳи, ўз-ўзидан аланганланиш ҳарорати, аланган тарқалишининг қуйи тўйинтирилган чегараси.

14. Лак-бўёқ материалларининг портлаш хавфи ва ёнғин хавфи уларнинг таркибига кирадиган ва портлаш ва ёнғин юзага келишини чақирадиган кимёвий моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади.

15. Лак-бўёқ материалларини бино ва иншоотларда қўллашда уларнинг портлаш хавфи ва ёнғин хавфи бинонинг функционал вазифасини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

16. Лак-бўёқ материалларини ўзаро таъсирда портлаш, алангаланиш чақирадиган ёки ёнувчан газлар ҳосил қиладиган модда ва маҳсулотлар билан биргаликда сақлаш, ташиш ман қилинади.

17. Лак-бўёқ материалларини сақлаш, ташиш, сотиш ва қўллашда, чиқитларни утиллаштириш ва (ёки) йўқ қилишда портлаш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги портлаш ва ёнғин чиқиш шароитларини олдини олишнинг қуйидаги чоралари билан таъминланиши керак:

Ишлаб чиқарувчи(ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) харидор(истеъмолчи)ни лак-бўёқ материалларининг портлаш хавфлилиги ва ёнғин хавфлилиги тўғрисида огоҳлантириши керак; харидор(истеъмолчи) ишлаб чиқарувчи(ишлаб чиқарувчи ваколатлаган шахс) томонидан махсус илова маълумотида

кўрсатилган лак-бўёқ материалларини хавфсиз қўллаш бўйича талабларга риоя қилиши керак;

18. Харидор(истеъмолчи) Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган норма ва қоидаларга мувофиқ ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши керак.

19. Портлаш ва ёнғин пайдо бўлиши тахдидини камайтириш учун қуйидаги тадбирлар кўзда тутилиши керак:

портлаш хавфи ва ёнғин хавфи энг кўп бўлган учувчан органик бирикмаларни хавфи камроқларига алмаштириш;

органик суюлтириладиган лак-бўёқ материалларни сувда суюлтириладиганлари билан алмаштириш;

куруқ қолдиғи юқори бўлган лак-бўёқ материалларидан фойдаланиш;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш.

20. Лак-бўёқ материалларини саноат шароитларида қўллашда портлаш ва ёнғин пайдо бўлиши тахдидини камайтиришга қуйидаги чора ва воситалар билан эришилиши керак:

лак-бўёқ материалларини қўллашда портлаш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигининг максимал мумкин бўлган даражасини таъминлайдиган услублардан фойдаланиш билан;

лак-бўёқ материалларини қўллаш жараёнларини машиналаш ва автоматлаштириш билан;

ускуналарнинг портлашдан ҳимояланган турларидан фойдаланиш билан;

учқун ўчиргич, учкунтуткич, оловтутувчи, оловтўсувчи, чанг ва металл тутувчи ва портлашга қарши қурилмалар, статик электрдан ҳимоялаш тизимларидан фойдаланиш билан;

учувчан органик бирикмаларнинг портлаш ва ёнғинхавфли тўйинмалари юзага келишининг олдини оловчи шамоллатиш тизимидан фойдаланиш билан;

ўт ўчиришнинг самарали воситаларини таъминлаш билан.

21. Лак-бўёқ материаллари таркибида эритувчи ва суюлтирувчи сифатида учувчан органик бирикмалар: бензол, пиробензол, хлорланган углеводородлар, метанол ишлатилиши ман қилинади.

22. Турар жой объектлари ва(ёки) истиқомат биноларини бўяш учун таркибида: симоб, маргимуш, кўрғошин, хром, кадмий ва уларнинг бирикмалари бўлган лак-бўёқ материаллари қўлланиши ман қилинади.

23. Лак-бўёқ материаллари атмосфера ҳавосида одориметрик кўрсаткичлар бўйича йўл қўйиладиган нормалардан ошадиган ўзига хос ҳид пайдо қилмаслиги керак (2-илова, 1-жадвал).

24. Лак-бўёқ материалларида, хавфлиликнинг 1-синфига тегишли, таркибида қуруқ қолдиғи 0,5 фоиздан ошадиган металллар бўлган кимёвий моддалар бўлмаслиги керак.

25. Лак-бўёқ материаллари инсон организмига сезиларли кичитувчи, қўзғатувчи таъсир қилмаслиги керак (2-илова, 1-жадвал).

26. Лак-бўёқ материаллари(қопламалар) намли дезинфекция режими кўзда тутилган бино ва иншоотларнинг ички пардоз ишларида қўлланганда микрофлора, шу жумладан патоген микрофлора ўсиши ва ривожланишини рағбатлантирмаслиги керак(2-илова, 1-жадвал).

27. Лак-бўёқ материаллари(қопламалар) ҳаво муҳитига инсон организмига бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган миқдорда зарарли моддалар чиқармаслиги керак(барча чиқариладиган моддаларнинг биргаликдаги таъсири ҳисобга олинади).

Лак-бўёқ материаллари(қопламалар)дан жамлама таъсирга эга бўлган бир нечта кимёвий моддалар ажралганда тўйинмаларнинг уларнинг чегаравий йўл қўйиладиган тўйинмасига нисбати йиғиндиси 1 дан ошмаслиги керак.

28. Лак-бўёқ материаллари(қопламалар)нинг асосий турларидан ҳаво муҳитига ажраладиган зарарли моддалар миграциясининг йўл қўйиладиган даражаси 2-илова 2-жадвалда келтирилган чегаравий тўйинмалардан ошмаслиги керак.

29. Ичимлик сув таъминотида қўлланиладиган ва озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган лак-бўёқ материаллари уларга тегиб турадиган андазавий муҳитга хавфлиликнинг биринчи синфига мансуб кимёвий моддалар чиқармаслиги керак, бошқа моддаларнинг миқдори эса йўл қўйиладиган даражалардан ошмаслиги керак. Сув тозалаш ва сув тайёрлаш ускуналарини ранглаш учун ишлатиладиган, лак-бўёқ материалларидан олинган сувли сўрмаларнинг органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларининг гигиеник нормативлари 2-илова 3-жадвалда келтирилган. Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган буюмлар лак-бўёқ материалларидан ажраладиган моддалар нормативлари ва хавфсизликнинг гигиеник кўрсаткичлари 2-илова 4-жадвалда келтирилган.

Ичимлик сув таъминоти ва озик-овқат саноатида қўлланиладиган лак-бўёқ материаллари учун лак-бўёқ қопламаларидан учувчан қисмларининг суюк андазавий муҳит(сўрма)ларга миграциясини баҳолаш, улар сув ёки суюк маҳсулотларга теккан ҳолларда амалга оширилади.

30. Қурилишда ички ва ташқи пардозлаш ишларда қўлланиладиган лак-бўёқ материаллари таркибидаги учувчан органик моддалар миқдори 3-илова 1-жадвалда ўрнатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

31. Автомобиллар рангини таъмирлашда қўлланиладиган лак-бўёқ материаллари таркибидаги учувчан органик бирикмалар миқдори 3-илова 2-жадвалда ўрнатилган қийматлардан ошмаслиги керак.

32. Қурилишда қўлланиладиган сингдириладиган лак-бўёқ материаллари ва нитроцеллюлозали лак-бўёқ материалларида учувчан органик бирикмалар миқдори бир литрга 940 граммдан ошмаслиги керак(г/л).

33. Лак-бўёқ материаллари муомаласида фойдаланилаётган бино, иморат, иншоот ва уйлар ҳавосига лак-бўёқ материали томонидан чиқарилаётган зарарли моддалар тўйинмаси иморатларнинг функционал вазифасига қараб иш зонаси ҳавоси ёки атмосфера ҳавосида учувчан органик бирикмалар ва оғир металллар миқдори гигиеник нормативларидан ошмаслиги керак.

34. Лак-бўёқ материалларининг кимёвий хавфсизлигини таъминлашга хавфли кимёвий моддалардан фойдаланишни чегаралаш ва (ёки) лак-бўёқ материаллари таркибида улар миқдорини камайтириш билан эришилади.

§4 Лак-бўёқ материалларининг Ўзбекистон Республикаси бозорида муомалада бўлиши қоидалари

35. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқариладиган лак-бўёқ маҳсулоти вазифаси бўйича ишлатилганда инсон ҳаёти ва соғлиги ҳамда атроф-муҳитга хавф туғдирмаслиги керак.

36. Лак-бўёқ маҳсулоти Ўзбекистон Республикаси ички бозорига мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган ҳамда мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган миллий мувофиқлик белгиси билан тамғаланган ҳолда чиқарилади.

§5. Лак-бўёқ материалларини идентификация қилиш қоидалари

37. Лак-бўёқ материалларини идентификация қилишда қуйидагилар ўрнатилади:

ушбу техник регламентда лак-бўёқ материалларининг таърифларида ўрнатилган номи ва белгилари, лак бўёқ чиқариладиган техник ҳужжатга мувофиқлиги;

лак-бўёқ материалининг вазифаси;

лак-бўёқ материалининг яратилиши, лак-бўёқ материалининг маълум тўпига мансублиги (лак-бўёқ материалининг партияси – бу бир номдаги маълум вақт оралиғида бир хил шароитларда ишлаб чиқарилган ва бир хил тамғалашга эга бўлган лак-бўёқ материалининг ҳажми ёки массаси);

лак-бўёқ чиқариладиган техник ҳужжатга мувофиқ лак-бўёқ материалларининг кўрсаткичлари;

§6. Хавфсизлик талабларига мувофиқликни таъминлаш

38. Лак-бўёқ материалларининг Ўзбекистон Республикасининг ушбу техник регламентига мувофиқлиги унинг хавфсизлик талабларини бевосита бажариш билан таъминланади.

39. Лак-бўёқ материалларининг тадқиқот(синов) ва ўлчов услублари Ўзбекистон Республикаси техник регламенти талабларини қўллаш ва бажариш учун зарур бўлган тадқиқот(синов) ва ўлчов услублари, шу жумладан намуна танлаш қоидаларини ўз ичига олган стандартлар рўйхатига киритилган стандартларда ўрнатилади.

§7. Лак-бўёқ материалларининг тамғаланишига талаблар

40. Лак-бўёқ материалларини сақлаш, ташиш, реализация қилиш ёки қўллаш бўйича харидор(истеъмолчи) учун маълумотлар огоҳлантириш тамғаланиши, лак-бўёқ маҳсулотидан хавфсиз фойдаланиш бўйича йўриқнома ва лак-бўёқ маҳсулотининг хавфсизлик паспорти шаклларида тақдим этилади.

41. Лак-бўёқ материалининг огоҳлантириш тамғаланишига қўшиладиган ахборотнинг таркиби, мазмуни ва шаклига минимал талаблар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилади.

42. Огоҳлантириш тамғаланиши ўров-идишга матн, белги, пиктограмма шаклларида туширилиши керак.

43. Харидор(истеъмолчи) учун ахборот аниқ ва енгил ўқиладиган бўлиши керак. Лак-бўёқ материалларини сақлаш, ташиш, ишлатиш ва утиллаштиришда хавфсизлик талаблари бошқа ахборотлардан шрифти, ранги ёки бошқа усулда ажратилиши керак.

44. Ахборот тушириладиган восита лак-бўёқ материалларини сақлаш, ташиш, сотиш ва қўллашда тамғалашнинг барқарорлигини таъминлаши керак.

45. Идиш birlikлари ўлчамлари кичик (0,3 дециметр кубгача) ва уларга зарур матнни тўлиқ жойлаштириш техник жиҳатдан қийин бўладиган ҳолларда харидор(истеъмолчи) учун ахборотлар ҳар бир идиш birlikига илова қилинадиган вараққа жойлаштирилади.

46. Лак-бўёқ материалларнинг тамғаланиши уларни танитиш учун зарур бўлган ахборот ҳамда истеъмолчи учун зарур бўлган лак-бўёқ материалларидан хавфсиз фойдаланиш, сақлаш, транспортда ташиш ва утиллаштириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

§8. Давлат назоратини ўтказиш тартиби

47. Ушбу махсус техник регламентга риоя қилиниши устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, давлат бошқарув органлари ва бошқа ваколатли органлари томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ РЎЙХАТИ

Рангли лаклар; рангли лаклар негизидаги препаратлар

Лаклар

Алкид қатронли лаклар

Қуйилтирилган қатронли лаклар

Нитроцеллюлозали лаклар

Нитроалкидли лаклар

Нитроэпоксидли лаклар

Этилцеллюлозали лаклар

Целлюлозанинг бошқа эфирлари негизидаги лаклар

Эмаллар, грунтовкалар, шпатлевкалар

Глифтал эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

Пентафтал эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

Полиэфир эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

эпоксид эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

карбамид ва меламинаформалдегидли эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

органик кремний ва полиуретанли эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

бошқа қуйилтирилган қатронлар негизидаги эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

нитроцеллюлозали эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

нитроалкидли эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

нитроэпоксид эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

этилцеллюлозали эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

целлюлозанинг бошқа эфирлари негизидаги эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

грунт-эмаллар

лазурлар

органик суюлтириладиган сингдирма таркиблар

перхлорвинил лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

поливинилхлорид сополимери негизидаги лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

полиакрил лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

поливинилхлорид полиакрил негизидаги лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

поливинилацеталь лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

полимерлаштирилган қатронли бошқа лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

каучукли лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

фторопластли лаклар, эмаллар, грунтовкалар ва шпатлевкалар

циклогексан спиртли лак ва политуралар

табiiй қатронлар негизидаги эмаллар

табiiй қатронлар негизидаги грунтовкалар

табiiй қатронлар негизидаги шпатлевкалар

курама алифлар

оксоль алифлар

глифталъ алифлар

ксифталъ алифлар

бошқа алифлар

Бўёқлар

Сув-дисперсион стиролбутадиен бўёқлар

Сув-дисперсион акрилат латексли бўёқлар

Сув-дисперсион полимерлаштирилган сополимерлар негизидаги бўёқлар

Бошқа сув-дисперсион бўёқлар

Грунтовкалар

Сув-дисперсион стиролбутадиен грунтовкалар

Бошқа сув-дисперсион грунтовкалар

Сувда суюлтириладиган сингдирма таркиблар

Табиий қатрон негизидаги мойли лаклар

Спиртли ишқорли лак ва политуралар

Спиртли лак ва политуралар

Табиий қатрон негизидаги канифолли лаклар

Табиий қатрон негизидаги битумли лаклар

Табиий қатрон негизидаги қаҳраболи лаклар

Қуюқ мой бўёқлар

Қўллашга тайёр суюқ мой бўёқлар

Табиий алифлар

**Рассомлар, талабалар фойдаланадиган ёки пешлавҳаларни безаш учун ишлатиладиган
бадий бўёқлар, ярим шаффоф сирлаш бўёқлари, дам олиш пайтларида
фойдаланиладиган мой бўёқлар ва шунга ўхшаш хажмдаги таблетка, тубик, флакон
банка шаклда қадоқланган маҳсулотлар**

Кукунли поизэфир бўёқлар

Бошқа кукунли бўёқлар

Лак-бўёк материалларига санитар-эпидемиологик ва гигиеник талаблар

1-жадвал. Лак бўёк материалларининг хавфсизлик кўрсаткичларига асосий талаблар

№ т/р	Кўрсаткич номи	Санитар-эпидемиологик талаблар		
		кўрсаткич	Йўл қўйиладиган даражалар	изоҳ
1	Одориметрик кўрсаткичлар	Ҳаво муҳитининг ҳиди (қурилишда, мебель саноатида	Кўпи билан 2 балл	Саноат ва фуқаро қурилишида, ичимлик сув таъминотида, озик-овқат саноатида, мебель саноатида ҳамда автомобилларга хизмат кўрсатиш бўйича қўлланиладиган лак-бўёк материаллари учун
		Автомобилларга хизмат кўрсатиш бўйича лак-бўёк материаллари (ЛБМ)		
		Шиша парчасига сурилган ва қўллаш бўйича йўриқнома бўйича қурилган (ичимлик суви таъминотида) ЛБМ намунасининг сувли сўрмаси ҳиди	Кўпи билан 2 балл	
		Шиша парчасига сурилган ва қўллаш бўйича йўриқнома бўйича қурилган ЛБМ намунасидан озик-овқат маҳсулотига ўхшатиш андазавий эритмага сўрма ҳиди	Кўпи билан 1 балл	
2	Токсикологик кўрсаткичлар	ЛБМдан олинган сўрма ошқозонга киритилганда ўткир заҳарлилик	Лак-бўёк материалларига тегиб турадиган сувли андазавий муҳит (сурма) лар сезиларли умумзаҳарли таъсир кўрсатмаслиги керак.	Озик-овқат саноатида ичимлик сув таъминотида қўлланиладиган лак-бўёк материаллари учун

№ т/р	Кўрсаткич номи	Санитар-эпидемиологик талаблар		
		кўрсаткич	Йўл қўйиладиган даражалар	изоҳ
			.	
	ЛБМ ларининг қўзғатувчи таъсирлари, қўллашнинг тавсия қилинадиган тартибида: - тери қопламаларига		0 - 4 бал ЛБМ тамғаланишида қўл шахсий химоя воситасидан фойдаланиш ва тегишли огоҳлантирувчи ёзувлар бўлиши шартида 2балдан 4 балгача қўзғатувчи таъсирлар бўлишига йўл қўйилади.	Озиқ-овқат саноатида ичимлик сув таъминотида қўлланиладиган лак-бўёқ материаллари учун
	ЛБМ га тегиб турадиган андазавий муҳит(сўрма) нинг қўзғатувчи таъсирлари, қўллашнинг тавсия қилинадиган тартибида: - тери қопламаларига		0 бал	
	- шиллик пардаларга		0 бал	
	Сенсибилизирующее действие		ЛБМ тамғаланишида қўл шахсий химоя воситасидан фойдаланиш ва тегишли огоҳлантирувчи ёзувлар бўлиши шартида маҳсулотларда аллерген самараси бўлишига йўл қўйилади.	

№	Кўрсаткич номи	Санитар-эпидемиологик талаблар		
		кўрсаткич	Йўл қўйиладиган даражалар	изоҳ
		Микробиологик кўрсаткичлар	Микрофлора шу жумладан патоген микрофлора мавжуд эмаслиги ва ривожланмаслиги	Намли дезинфекция кўзда тутилган биноларни ранглаш учун мўлжалланган лак-бўёқ

**Асосий турлардаги лак-бўёқ материаллардан ҳаво муҳитига зарарли моддалар
миграциясининг йўл қўйиладиган даражаси**

№ т/р	Лак-бўёқ материалнинг номи	Санитар-эпидемиологик талаблар	
		кўрсаткич	Ҳаво муҳитига миграциянинг йўл қўйиладиган даражаси, г/м ³
1	2	3	4
1.	Ацетобутиратцеллюлозали	Формальдегид	0,01
		Уксусная кислота	0,06
2.	Полиакрил	Формальдегид	0,01
		Метилметакрилат	0,01
3.	Стироль-акрил	Формальдегид	0,01
		Метилметакрилат	0,01
		Стирол	0,002
4.	Алкид-акрил	Формальдегид	0,01
		Метилметакрилат	0,01
		Стирол	0,002
		Фталевый ангидрид	0,02
5.	Алкид: глифтал, пентафтал; меламинали,	Формальдегид	0,01
		Фталевый ангидрид	0,02
6.	Битумли	Формальдегид	0,01
7.	Бутадиен-стиролли, Каучукли, хлоркаучукли	Формальдегид	0,01
		Стирол	0,002
		Дибутилфталат	0,1
8.	Винилацетатные	Формальдегид	0,01
		Уксусная кислота	0,06
		Дибутилфталат	0,1
9.	Поливинилацетатли, кани-	Формальдегид	0,01
10.	Органик кремнийли	Формальдегид	0,01
		Хлористый водород	0,1
		Голуол	0,3
11.	Мойли ва стирол алкидли	Формальдегид	0,01
		Фталевый ангидрид	0,02
		Стирол	0,002
12.	Карбамидли	Формальдегид	0,01

№ т/р	Лак-бўёқ материалнинг номи	Санитар-эпидемиологик талаблар	
		кўрсаткич	Ҳаво муҳитига йўл қўйиладиган даражаси, г/м ³
1	2	3	4
13.	Полиэфир тўйинтирилмаган кукунли	Формальдегид	0,01
		Стирол	0,002
14.	Полиуретан	Формальдегид	0,01
		Циановодород	0,01
15.	Полиуретан-акрилат	Формальдегид	0,01
		Циановодород	0,01
		Метилметакрилат	0,01
16.	Фенолоалкид	Формальдегид	0,01
		Фталевый ангидрид	0,02
17.	Перхлорвинил ва поливинилхлоридли	Формальдегид	0,01
		Хлористый водород	0,1
		Дибутилфталат	0,1
18.	Сополимервинилхлоридли	Формальдегид	0,01
		Хлористый водород	0,1
		Дибутилфталат	0,1
		Метилметакрилат	0,01
		Стирол	0,002
19.	Эпоксид	Формальдегид	0,01

* Органик суюлтириладиган ЛБМ учун қўшимча аниқланади.

**Сув тозалаш ва сув тайёрлаш ускуналарини ранглаш учун ишлатиладиган
текширилаётган лак-бўёқ материалларидан олинган сувли сўрмаларнинг органолептик
ва физик-кимёвий кўрсаткичлари гигиеник нормативлари**

№ т/р	Кўрсаткичлар номи	Гигиеник норматив катталиги
1.	Органолептик:	
	- ҳиди	Кўпи билан 2 бал
	- ранги	Кўпи билан 20 градус
	- хиралиги	Формазин бўйича кўпи билан 2,6 хиралик бирлиги ёки коалин бўйича 1,5 мг/л хиралик бирлиги
	- чўкинди мавжудлиги	Мавжуд эмаслик
	- кўпикланиш	Йирик пуфакли мунтазам кўпикнинг йўқлиги, майда пуфакли кўпикнинг баландлиги цилиндр деворлари ёнида 1 мм дан катта эмас
2.	Физик-кимёвий:	
	- водород кўрсаткичи (рН)	6 – 9 чегарасида
	- перманганат оксидланиш катталиги	Кўпи билан 5,0 мг/л

Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган буюмлар лак-бўёқ материалларидан ажраладиган моддалар хавфсизлигининг гигиеник кўрсаткичлари ва нормативлари

ЙҚМ – кимёвий моддалар миграциясининг йўл қўйиладиган миқдори, (мг/л, мг/дм²)

Буюм, материал номи	Назоратдаги кўрсаткичлар	ЙҚМ, мг/л	ичимлик сувда мдда ЧЙҚТ, мг/л	Хавфлик синфи	Атм ҳаво суткада ўртача ЧЙҚТ, мг/м ³	Атмо ра ҳавосида ТТХД мг/м ³	Хавфлик синфи
1	2	3	4	5	6	7	8
Боғловчи сифатида ишлатилганда:							
Органик кремнийли қатрон	Формальдегид	0,100	--	2	0,003*	--	2
Эпоксид қатрон	Дифенилол пропан	0,010	--	4	0,040	--	--
	Формальдегид	0,100	--	2	0,003*	--	2
	Мис (Си)	1,000	--	3	--	--	--
Сирланган консерва идиши:							
Эпоксифенол лак билан сирланган идиш	Формальдегид	0,100	--	2	0,003*	--	2
	Дифенилол пропан	0,010	--	4	0,040	--	--
	Цинк (Zn)	1,000	--	3	--	--	--
	Свинец (Pb)	0,030	--	2	--	--	--

Буюм, материал номи	Назоратдаги кўрсаткичлар	ЙҚМ, мг/л	ичимлик сувда кимё мдда ЧЙҚТ, мг/л	Хавфлилик синфи	Атм хаво да суткада ўртача ЧЙҚТ, мг/м ³	Атмо ра хавосида ТТХД мг/м ³	Хавфлилик синфи
Мойли фенол сирлари билан сирланган идиш	Формальдегид	0,100	—	2	0,003*	--	2
	Қўрғошин (РЪ)	0,030		2			
Рух пастасили оксилбарқарор эмаллар б-н қопланган идиш	Формальдегид	0,100	--	2	0,003*	--	2
	Дифенилол пропан	0,010	--	4	0,040	--	--
	Рух (2п)	1,000	--	3	--	--	--
	Қўрғошин (РЪ)	0,030	--	2	--	--	--
Винилоргансол қопламали идиш	Формальдегид	0,100	--	2	0,003*	--	2
	Хлорли винил	0,010	--	2	0,010	--	1
	қўрғошин (РЪ)	0,030	--	2	--	--	--
Металлы:							
Алюмин талқони билан пигментланганда	Алюминий (А1)	0,500		2			

Эслатма: *) норматив атроф хавосининг фонли ифлосланиши ҳисобга олинмаган

ЙҚМ – йўл қўйилган миқдор

ЧЙҚТ – чегаравий йўл қўйилган тўйинма

ТТХД – таъсирнинг тахминий хавфсиз даражаси

ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ОРГАНИК УЧУВЧАН БИРИКМАЛАР МИҚДОРИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

1-жадвал

Қурилишда ички ва ташқи ишларда қўлланиладиган лак-бўёқ материаллари таркибидаги органик учувчан бирикмалар миқдори бўйича талаблар

Қўллаш соҳаси	Материал тури	Қўллашга тайёр лак-бўёқ материалларидаги органик учувчан бирикмалар миқдори, кўпи билан, г/л	
		2015 й.дан	2018 й.дан
Бино ичкарасида девор ва шифтларни бўйлаш	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари (жилосиз)	75	30
	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	400	30
	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари (жилоли)	150	100
Минерал негиздаги деворларнинг ташқа сиртларини бўйлаш	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари (жилоли)	400	100
	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	75	40
Ўғоч, металл ва пласмасса ҳамда сирланган сиртларга ички ва ташқи ишлов бериш	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	459	430
	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	150	130
Ўғоч, металл, пласмасса сиртларга ички ва ташқи ишлов бериш учун шаффоф ва яримшаффоф бўёқ ва лаклар	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	400	300
	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	150	130

Қўллаш соҳаси	Материал тури	Қўллашга тайёр лак-бўёқ материалларидаги органик учувчан бирикмалар миқдори, кўпи билан, г/л	
		2015 й.дан	2018 й.дан
Пластмасса сиртлари	Лак бўёқ материаллари	500	400
Ёғоч учун морилкалар	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	150	130
	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	800	700
Деворлар ва шифтлар (шу жумладан ёғоч)ларни бўяш учун изоляция ва ёки муҳофаза хусусиятига	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	50	30
	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	450	350
Юмшоқ тагликларни мўтадиллаштириш ёки намга чидамлилиқ хусусиятини бериш ёки ёғочни кўкаришдан ҳимоя қилишга мўлжалланган грунтоткалар	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	50	30
	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	750	750
Махсус мақсадлардаги бир жинсли материаллар (қора металл, рух, алюминий, ёғоч ва цемент полларни ранглаш, «антиграффити» ва оловбардош қопламалар олишга мўлжалланган	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	140	140

	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	600	500
Махсус мақсадлардаги икки жинсли материаллар (қора металл, рух, алюминий, полларни ранглаш, «антиграффити» ва оташбардош қопламалар олишга мўлжалланган грунтовка ва эмаллар)	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	140	140
	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	800	500
Бевосита биринчи суркашда кўпрангли самара олиш учун материаллар		150	100
	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	800	100

Қўллаш соҳаси	Материал тури	Қўллашга тайёр лак-бўёқ материалларидаги органик учувчан бирикмалар миқдори	
		2015 й дан.	2018 й дан
“Декоратив самарали қопламалар” учун материаллар - Олдиндан рангланган сиртларда қуритиш пайтида турли асбоблар билан ишлов бериб,декоратив самара олишга мўлжалланган қопламалар	Сув-дисперсион лак-бўёқ материаллари	300	200
	Органик суюлтирилган лак-бўёқ материаллари	700	200

2-жадвал

Автомобилларни рангини таъмирлаш учун қўлланиладиган лак-бўёқ материаллари таркибидаги органик учувчан бирикмалар миқдори бўйича талаблар

Қўллаш соҳаси	Материал тури	Қўллашга тайёр лак-бўёқ материалларидаги органик учувчан бирикмалар меъёри, кўпи билан, г/л (2020 й. дан.)
Шпатлевкалар/ғовак тўлдирувчилар	Барча турлар	250
Грунтовкалар	Ғовактўлдирувчилар антикоррозион, иккиламчи	540
	Фосфатловчи грунтовкалар	780
Ташқи қатлам материаллари	Барча турлар	420
Қопламаларнинг алоҳида турларини яратиш учун махсус	Барча турлар	840